



Ishonch

Мохият

Наврўзи оламни биз ўзининг чуқур маъно-маъмуни ва фалсафаси билан ҳаётиямиздан алоҳида ўрин олган, яшариш ва янгиликни палласи, шарқона янги йилнинг дебоси сифатида ардоқлаймиз.

Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

Касаба уюшма ташкилотларида

Шу кунларда барча касаба уюшма ташкилотларида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда 2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузалари, шунингдек, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Курултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари атрофида муҳокама этилмоқда.

Ислохотларимиз инсон манфаати учун

ТОШКЕНТ шаҳар кенгашининг II мажлисида кун тартибидagi масалалар юзасидан пойтахт касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раиси Нурилла Насимов маъруза қилди. Муҳокамада қатнашган таълим ва фан ходимлари Тошкент шаҳар касаба уюшма кенгаши раиси Ойзода Каримова, «Тобозортайёрловсадво» бирлашган касаба уюшма кўмитасининг ра-

иси Адҳам Эргашев, «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма етакчиси Алла Долженкова, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Шерзод Жўраев ва бошқалар айни вақтда жойларда амалга оширилаётган ишлар ва навбатдаги вазифаларга эътиборни қаратишди. — Давр ҳар биримиздан

ташаббус кўрсатиб, ўз ишига бўлган юксак масъулиятни ҳис этган ҳолда фаолият кўрсатишимизни талаб қилмоқда, — деди йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Бу эса ижро интизомини янада такомиллаштиришни, меҳнатқашлар манфаатини юксалтириш борасида тинмай изланишни тақозо этади.

АНДИЖОН вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг III пленумида ҳам кун тартибидagi масалалар кизгин муҳокама этилди. Унда вилоят касаба уюшма ташкилотлари раҳбарлари, тармоқ ва туман кенгаши раислари, бошланғич ташкилот етакчилари иштирок этди. Пленумда бирлашма раиси Қ.Парпиев, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марҳамат туман бирлашган кўмитаси раиси Н.Сарболаев, «Ўзметмашасаноат» ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Б.Қурбонов, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Ф.Содиқов, давлат муассасалари ва жамоат

хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси А.Абдурахмонов, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси Н.Ўкубова ва бошқалар олдинда турган муҳим вазифалар, касаба уюшма тизимидаги ютуқ ва муаммолар ҳақида маъруза қилишди. Пленум якунида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева сўзга чиқиб, бугунги кунда касаба уюшма ташкилотлари олдида турган муҳим масалалар, Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар алоҳида тўхталиб ўтди. — Пленум йиғилишидан катта ижодий куч олдим, — дейди «Андижон нефт маҳсулотлари» корхонаси касаба

уюшма кўмитаси раиси И.Саматов. — Айниқса, Федерация кенгаши раисининг самимий ва аниқ мисоллари таяниб билдирган фикр-мулоҳазалари кўпчиликка манзур бўлди. Чиқарган хулосаларим шу бўлдики, фақат олдинга қараб, ислохотларга янгица ёндашув билан ҳаракат қилишимиз лозим. Бунинг учун бизда куч-ғайрат ва шароит етарли. Шунингдек, пленумда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган вазифалар, иш ҳақидан қарздорлик, меҳнат муҳофазаси, ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш масалалари атрофида муҳокама этилди. (Давоми 2-бетда)



Халқимиз янгиликни, яшариш айёмига алоҳида тараддуд кўриб пешвоз чиқмоқда. Сурхондарё вилоят ҳокимлигида Наврўзга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмитанинг йиғилиши бўлиб ўтди.

Арафа

Ҳа, байрам олдинда худудларда кўпқари сингари миллий мусобақалар, олим ва ёзувчилар, шоир ва журналистлар билан ижодий учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Наврўз шодиёналари муносабати билан 200 нафар нуронийнинг Самарқанд, Бухоро ва Тошкент ҳамда Қарши шаҳарларига саёҳати уюштирилди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

Пешвоз

— Воҳанинг барча шаҳарча, маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларида, кўча ва тўра-жойларда 1 майга қадар кўкчаларни тозалатиш ва ободонлаштириш ишлари давом этади, боғ-роғлар ташкил этилади. Қилинадиган ишлар сифатини ошириш, илғорлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш мақсадида «Энг обод маҳалла», «Энг обод хонадон», «Энг обод кўча»,

«Ободонлаштириш ишларини тўғри ташкил қилган муассаса» йўналишида танловлар ўтказилиб, ғолибларга қимматбахо эсдалик совғалари берилди. Байрам муносабати билан сумалак сайиллари ташкил этилиб, кўмакка муҳтож, кам

таъминланган оилаларга, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, уруш ва меҳнат фаришларига касаба уюшмаларининг моддий ёрдами кўрсатилади, — дейди вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси, ташкилий кўмита аъзоси А.Аҳмедов.

Янги кун тантанаси

Наврўз айёмини йўрмадўзликлар катта тантана билан нишонлашга аҳд қилган. Эрта тондан қарнай-сурнай садолари маҳалла марказида янграйди.

Дошқозонда сумалак пиширилади. Кўк сомса, чучвара тайёрланади. Байрам дастурхони тузалади. Маҳалла аҳли байрам арафасида ободончилик, кўкчаларни тозалатиш ишларини бажаришди. Хайри ишлар Навбахор, Алишер Навоий, Фафур Фулом, Лоҳутий кўчаларида уюшқоқлик билан

амалга оширилди. Кексалар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга маҳалла фаоллари томонидан совға-салом улашилди. Айниқса, Набижон Аҳмаджонов, Раҳматилла Қурлиев, Умаржон Розижонов сингари тадбиркорларнинг саҳаватидан марғилолик кам таъминланган оилалар миннатдор бўлишмоқда.

Мухаммадjon МАҚМУДОВ

Инсонга тириклик билан бир вақтда шу ёруғ дунёда умргузаронлик қилиб, ўзигини намойиш этиш бахти кўшиб берилди. Бу табиий-тарихий жараён ватан тисолида шаклланган муйайн бир худудда бўй кўрсатади, рўёбга чиқайди. Шунинг учун инсонликнинг, одамликнинг бош белгиси Ватан ҳисобланади. Буни «Ватан борки биз боримиз, биз боримиз — Ватан бор», деган ақсоима билан ҳам изоҳлаш мумкин. Ҳамма жойда ва ҳамма замонларда ватан соҳибларини бахтли, тахтли одам сифатида улуғлаганлар. Ва ақсична, ватангадолик, беватанлик гарибларнинг гарибига мисол бўлиб қолаверади. Шунинг учун одам савдоси билан шуғулланувчилар ҳам сут эмган бандани қўл қилишда уни, аввало, ватанидан ажратиб олиш керак, деган мантқиқ билан иш кўрадилар. Чунки ноқонуний, ватан маңдатисиз юрт сарҳадини бир қадам хатлаган киши у томонда ҳеч ким эмас. Ахир, ватанидан — чангалзорлардан тутиб келинган арслонни қарасанга қамаб, не қўйларга солмайдилар, дейсиз. Ҳатто маймундай ўйнатадилар ҳам. Мабодо, ҳайвон ўргатувчи яна чангалзорга олиб чиқиб, шу арслонга қалтагини кўтариб кўрсинчи, ҳоли нима кечар экан!

Глобаллашув даври фарзанди бўлган оммавий маданият тарафдорлари эса, бу мақсадни катта-катта майдонларга кўчириб, бутун-бутун миллатларни ва халқларни тарихий, маъдан-ий-матрифий илдизларидан ажратиб, уларни қўл қилиш, бошқача айтганда манкуртга айланган фарзандни ота-онага қарши қайраш, қўшни, қон-қардош халқларни бир-бири билан уриштириб қўйиш йўлидан бормоқдалар. Энг ачинарлиси, бундай ақсидоний ҳаракатлар дунёнинг ожиз нуқталарида гул кўрсатиб «мева» бермоқда. Бир қатор давлатларда амалга оширилган рангли инқилоблар, ҳозир араб дунёсида бўлиб турган оммавий тартибсизликларни глобал ахборот хуружи ва оммавий маданият тарафдорлари «меҳнатининг самараси» деса бўлади. «...Инсониятнинг кўп минг йиллик

тажрибаси шундан далолат берадики, — деб ёзган эди муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов «Оқсак маънавият — енгилмас куч» асарига бу ҳақда, — дунёдаги эъраво ва тажовузкор кўчалар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, аввало, бундан унинг қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойликлари бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади».

Публицистика

Юракдаги Ватан

Юртбошимизнинг маъмур асари 2008 йил ёзилган. Ундаги замондошларимизни оғоҳликка қорловчи ушбу сатрлар айни кунларда дунёда рўй бераётган воқеаларни англаб олишимизда ҳам муҳим аҳамиятга эга: «Бугунги кунда дунёнинг айрим худудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаятгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий ҳавф остида қолаётганини кузатиш мумкин. Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировад оқибати одамни ўзи тугилиб ўсган юрти ва халқидан тонишга, ватанпарварлик

туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганда намойиш бўлмоқда». Бир учрашувда шу мавзуда сўхбат бўлаётганда, ўзини Сарвиноз деб таништирган талаба қиз сўраб қолди: — Ватанпарварлик нима? Қандай кишиларни ватанпарвар деб атаёмиз? Интернет орқали дунё воқеаларини кузатиб юрган бу ёшларга, кўкракни қалқон қилиб, ватан сарҳадларини ҳимоялаш, етук мутахассис

сифатида ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этиш ватанпарварликнинг юксак намунаси саналади, дейиш камлик қилар эди. Шунинг учун уларга маҳалладошим, фидойи инсон Қўчқор ота Турдиев ҳақида ҳикоя қилиб бердим. Асли касби ўқитувчи булган Қўчқор ота ёшларга таълим бериш билан бирга, ўттиз йилдан кўпроқ Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманидаги «Тарновбоси» маҳалла кўмитасига раислик қилган. Маҳалладаги ободончилик ишлари — хонадонларга газ, сув, телефон олиб киришдан тортиб канализация ўтказиш кўчаларни асфалт қилишгача барча хайри ишларнинг бошида Қўчқор ота турган. У кишининг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида биринчилардан бўлиб барпо этилган «Янгиобод» маҳал-

ла гузари ва «Янгиобод» жоме масжиди бетақорр архитектураси билан маҳалла кўрғига кўк қўшиб турибди. Утган аср саксонинчи йилларининг иккинчи ярмида собиқ марказнинг кўрсатмаси билан миллий қадриятларимизга қарши «салб юриши» уюштирилганда маҳаллий қарчалонлардан бири боғ қилиш баҳонасида маҳалла қабристонини буздириб юбориш ҳаракатига тушиб қолди. Шунда маҳаллақўм раиси партбилетини унинг столига қўйиб, нафақат қабристонни сақлаб қолади, балки бир томони тўқайзор бўлиб ётган жойнинг атрофини ўратиб, ободонлаштириш ишларини бошлаб юборади. Қўчқор ота Турдиевнинг бу иборатли хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳоланган. У киши маҳаллақўм раислари орасида биринчилардан бўлиб «Меҳнат шўхрати» нишони билан мукофотланди. Маҳалла аҳли Қўчқор отани тўғра ўтказмасдан туриб тўй-марока бошламаслигининг бошқа сабаби ҳам бор. Масалан, тилла магазинда мудир бўлиб ишлайдиган ака ўқиси яшаб турган уйини ундан сўраб-негиб ўтирмай сотиб юборади. Келинининг эса Эски шаҳардаги пастанам отақовлига қайтиб қўчиб боргани келмай, йиғлаб маҳаллақўмининг йўлини пойдийди. У пайтда маҳалла худуди колхоз боғига туташ бўлган. Қўчқор ота колхоз раисига учрашади. Биргалашиб икки-юч қўчишади. Хуллас, тўрт боласи билан қўчада қолган ёш оилага ҳавли қўриб олиш унинг ер ажратилади. Биз бир ёндан, деганларидек маҳалла аҳли ҳам қараб турмайди: кимдир гишт ташлаган, кимдир лой тортишган. Ўзбекининг ҳашар деган удуми қўл келиб, ёш оила тезда ҳавли-жойини тиклаб янги уйга қўчиб ўтадилар. Маҳалланг — отанг-онанг, деган ҳикमत шу оила мисолида яна бир бор бўй кўрсатади. Мана ҳозир шу хонадон соҳиблари ҳаж амалини ўтаб, «ҳажга ота», «ҳажга она» мақомида маҳалланинг обрўли кишиларига айланган. Уларнинг тўрт азамат ўғиллари эл хизматиди. (Давоми 2-3-бетларда)

Бегламишда Наврўз сайли

Чироқчи тумани Бегламиш қишлоғида ўтган Наврўз сайлини кузатар эканмиз, миллий қадриятларимиз, қадимий ва ўлмас меросимиз кўз олдинда гавдаланди. Катта дошқозонларда сумалак қайнади, ош ва ҳалимлар пишиди.

Келинчақлар баҳор янглиғ гўзал либосларида келинсалом қилишди. Боболар, момолар, «Кўп яшасин, ували-жували бўлсин!» дея дуо қилишди. Куй-қўшиқлар шўх рақсларга уланди. Шундан сўнг кураш ва кўпқарига навбат берилди. Полвонлар бор маҳоратини намойиш этиб, эл олқисини олдилар.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири

Муносиб тухфа

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилояти вакиллиги томонидан «Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига — 20 туп кўчат менинг тухфам» шиори остида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш ишлари қизгин олиб борилмоқда.

Чиноз туманидаги корхона ва ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасалари ходимлари ушбу тадбирда жонбозлик кўрсатишмоқда. Айниқса, туман халқ таълими бўлими, туман тиббиёт бирлашмаси, Хизмат кўрсатиш ва иқтисодийёт ҳамда Агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежлари жамоалари барчага ибрат бўлишмоқда. Туман бўйича жорий йилда 1 миллион 62 минг дона мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш режалаштирилган. — Фарғона водийсидан 4,5 минг туп ўрик, гилос, олхўри, нок кўчатлари келтирдик, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Тўлқин Дурӯмбетов. — Бундан ташқари, мактабларда 1,5 минг туп арча дарахти экилди. Ушундан ташқари, мактабларда гул уруғлари кўчатлари етиштириш йўлга қўйилди.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА, «Ishonch» мухбири

Ислохотларимиз инсон манфаати учун

(Давоми. Боши 1-бетда)

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг II пленумида кенгаш раиси Шухрат Деҳқонов маъруза қилиб, Концепцияда белгиланган йўналишлар ҳамда 2011 йилда мамлакатимизни ривожлантиришга қаратилган устувор вазифалар уюшма фаолларини, айниқса, меҳнат кичисига яқин турган бошланғич ташкилотлар етакчиларини амалий ишларга сафарбар этишни таъкидлади.

Маърузачи, шунингдек, меҳнат муҳофазаси ва бошқа қонунлар талаблари бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этишда тегишли бошқармалар, ҳокимлик ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари билан алоқаларни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш, вилоят ҳамда маҳаллий кенгашлар қошида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи ҳуқуқий маслаҳатхона

гуруҳларини ташкил этиш каби долзарб масалаларга эътиборни қаратди.

— Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш сари илгарилар бораётган бир даврда касба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларимиз жуда муҳим ўрин эгаллайди, — деди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакили, Тошкент аграр университети проректори Лазиза Гофурова. — Зеро, бу икки ташкилот фаолиятининг мазмун-моҳияти асосини инсон ҳуқуқлари ҳимояси, унинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазаси ҳамда ҳалқ манфаатлари устуворлиги ташкил этади. Макссадларнинг муштараклиги кучларни янада жипсроқ бирлаштириб, келгусида ҳамкорлики мустаҳкамлашни таъқоз этади.

Дарҳақиқат, касба уюшма ташкилотларининг олий мақ-

сади бўлган меҳнаткашларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш Омбудсман фаолиятининг ҳам асосий йўналишларидан биридир.

Пленумда бошланғич ташкилотлар фаолигини ошириш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, меҳнаткашларни соғломлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий, амалий ёрдам қўлини кенгайтириш, ёшларни, айниқса, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш сингари муҳим вазифаларга алоҳида ургу берилди.

— Охириги уч йилда жамоада касалланиш сони 3 баробар камайганини мамнуни билан айтиб ўтиш жоиз, — деди «Максам-Чирчиқ» очик акциядорлик жамияти касба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Абдуллаев. — Бу, энг аввало, ишчилар турмуш тарзи яхшиланиб, уларнинг соғлиғига эътибор ку-

чайтирилгани, «Оқтош — кимёгарлар оромгоҳи» дам олиш маскани ҳамда «Тиббий реабилитация марказида»ги профилактик соғломлаштириш ишларининг натижасидир. Ҳар йили 1,5 минг нафардан ортиқ ишчи-хизматчилар Марказда саломатликларини тиклашмоқда. Корхона раҳбарияти билан келишган ҳолда турли спорт мусобақаларининг мунтазам ўтказиб келинаётгани ҳам кишининг соғлиғига ижобий таъсирини кўрсатаётир.

Шунингдек, пленумда сўзга чиққан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари Вали Нурмухамедов, Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Гўзал Тўхтаева ва бошқалар кун тартибидagi масалалар юзасидан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашди.

Анжуманда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танила Нарбаева сўзга чиқиб, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида касба уюшмаларининг зиммасидаги бурч ва масъулият ҳамда бу борада бажарилиши лозим бўлган асосий вазифалар ҳақида тўхталиб ўтди.

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгашининг Қорақалпоғистон Республикасидаги вакиллиги

Соғза хотинлари ва борча сиртдошларни табиатнинг уйғонити расли, миллий қадриятларимиз тилеги бўлган Ўзбекистон олим билан мувоваққат астади.



Азиз юртдошлар, хонадонингизни тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизни тўқинлик, қалбингизни қувонч ҳеч қачон тарк этмасин!

САМАРҚАНД вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг навбатдаги пленумида кенгаш раиси **Ойсулв Нафасова** Президентимизнинг маърузалари ҳамда Федерациянинг V Курултой қарорлари ва Курултой делегатлари Мурожаатидан келиб чиқадиган

вазифалар хусусида маъруза қилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Норхон Раҳматова, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кўмитаси раиси Давлат Ходжаев, Савдо ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенга-

шининг Иштихон туманидаги вакили Мавлуда Эшқулова ва бошқалар кўрилган масала юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Пленумда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Элбек Миржўраев иштирок этди.

Ўз мухбирларимиз

Рақобатбардош маҳсулотлар



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва яратилган кенг имкониятлар самараси туфайли Наманган вилоятида ҳам иқтисодий бақувват хусусий сектор субъектлари сони тобора кўпаймоқда.

Учқўрғон туманининг Қайқи қишлоғидаги «Идрис чокининг боқийлиги» хусусий корхонаси юқори сифатли маҳсулотлари билан ички бозордан муносиб ўрин эгаллаган. Тадбиркор Абдулбоқи Ирисов раҳбарлигидаги корхонада ўнга яқин турда эркаклар кўйлаги тайёрланмоқда. 24 киши иш билан таъминланган, ойнага икки мингтагача кўйлак хариддорларга етказиб берилмаётир.

Суратда: (ўнгдан) «Идрис чокининг боқийлиги» хусусий корхонаси раҳбари Абдулбоқи Ирисов ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси Довуддон Эргашев.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат

Худудий семинар Фуқаролик жамияти сари

Самарқанд вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Ўзбекистон касба уюшмалари ва инсон ҳуқуқлари» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, касба уюшма фаоллари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ходимлари иштирок этишди.

Унда Концепциядан келиб чиқадиган вазифалар хусусида сўз борди. Семинар ишида сўз олган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ таълим бўлими мудири Мунира Самархўжаева, ЎЗКУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири Маҳмуд Исаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олия Юнусова, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси меҳнатни муҳофазаси қилиш ва экспертизаси давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари Абдуғофур Бўтаев, вилоят ҳокимлиги масъул ходими Эркин Зубайдуллаев, вилоят адлия бошқармаси бўлим мудири Носир Бердиев ва бошқалар фуқаролик жамиятини ривожлантириш тамойиллари ҳақида маъруза қилишди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ижтимоий шериклик — ривожланиш омили

Жиззахда ҳам Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳамда вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамкорлигида шу мавзуда семинар бўлиб ўтди.

Миллий марказнинг таълим бўлими мудири Мунира Самархўжаева Миллий марказ фаолиятига қисқача тўхталиб, йиғилганларни анжуман мазмун-моҳияти билан таништирди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Олия Юнусова, ЎЗКУФК бўлим мудири Маҳмуджон Исаев, Жиззах вилоят ҳокимининг ёрдамчиси Сирожон Ғозиев, вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш бошқармаси бош давлат меҳнат техник инспектори Икром Жабборов, Адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Элдор Ортиқов, Давлат солиқ бошқармаси бош инспектори Уктам Абирқуловнинг маърузалари катта қизиқиш билан тингланди.

Анжуман иштирокчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга тўлақонли жавоб олишди.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугун Тошкентда, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Наманган, Қарши, кўйинги, мамлакатимизнинг барча гушаларидаги маҳаллаларда амалга оширилаётган ободончилик ишларининг бошида Кўчқор ота Турдиев каби фидойи инсонлар турибди. Улар туфайли маҳалла институти жамиятимизнинг энг мустаҳкам бўғинларидан бирига айланиб, давлат бошқарувидаги қатор масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олмоқда.

Биз мустақилликка қон тўкмай эришдик. Бироқ уни сақлаб қолиш учун кўп қурбонлар беришимизга тўғри келди. Шу ҳақда ўйлаганимда, 2005 йил май ойида Андижон шаҳар прокурори вазифасида ишлаб турган раҳматлик Ганижон Абдурахимовнинг сиймоси кўз ўнгимдан ўтади.

Ғайратли, билимдон, деҳқон оиласидан чиққан учумни, ўта камтар, бироқ суҳбатни андижончасига гуллатиб юборадиган шинаванда йиғит эди. Уша машъум Андижон воқеалари юз берган 2005 йилнинг 13 май куни кечки овқатни оила даврасида баҳам кўришга телефонда келишиб, энди ишхонасидан чиқаман, деб турганида турмаҳонада қандайдир тартибсизликлар бўлаётгани ҳақида хабар келиб қолади. Дарҳол етиб боради. Қамқонанинг дарвозалари ланг очик, аллақандай кишилар маҳбусларни кўчага чиқишга даъват этишмоқда эди. У, мен Андижон шаҳар прокурориман, тартиб сақлансин, деб уларнинг орасига дадил кириб боради. Ёнида қуроли бор эди, лекин сўз қуроли билан йўлдан адашганларни инсофга чақирмоқчи бўлади. Кўзи қонга тўлган бир тўда оломон бир-бирларига «биродарлар» деб мурожаат қилсалар-да, амалда биродарликнинг муқаддас қондаларини поймол этадилар ва унинг қўлларини боғлаб, кўп қийноқ-азобларга солишади. Ганижон ҳаётининг сўнги нафасигача ўзи каби гаровга олинганларни бардам бўлишга ундаб, мустақиллигимиз ганимларининг ёлғон ваъдалари ва алдовларига учиб низолашганларни ярашувга

чақиради. Кўп қон тўкилмаслиги учун уларга мамлакатдан чиқиб кетишлари учун йўлак очиб берилганида, сотқин кимсалар (ватанимиз, халқимиз ва мустақиллигимизга хиёнат қилганларни бундан бошқача атаб бўлмади) қахрамон замондошимиз Ганижон Абдурахимовнинг жонига қасд қиладилар.

Вафотидан кейин Ганижон Абдурахимов II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотланади. Ганижон ўқган мактаб ва шаҳар кўчаларидан бири ҳозир унинг номи билан аталади. Байрам тадбирларида ва бошқа маросимлару гурунларда тез-тез

гинчи инсон учун энг оғир дард эканлиги жуда таъсири баён этилган шундай лавҳа бор:

«Бу оқшом ватандошларимиздан бири — Убайдуллоҳ ака исми асли андижонлик бир отахон хонадонларига таклиф қилдилар... Икки бўлмалик, кенг-қувул меҳмонхонага кириб, ўлтирган одам кўсиб фарқ бўлиб кетадиган юмшоқ ўриндиқлардан тизилишиб жой олди. Қўл иши билан ясалган гўзал нақшинкор меҳаб, тиллаҳори анжомлар. Кўзга кўринмас совутичлар хонага муздай эпкин фууриб турибди.

Букунги ўлтиришга йигирма чоғли

билмайсизлар. Оллоҳ ҳеч билгулик қилмасин. Лекин бизнинг қанча-қанча қону тулларни қон-қон йиғлаб ўтказганимиз ёлғиз худого-ю ёлғиз ўзимизга аён. Бутун дунёдан мусулмонлар Маккага келиб, шу ерда тангри омонотини топширишни орзу қиладилар. Шу ерда жони узилган зиёратчи бағоят шарафга ноил бўлади... Аммо мен... умид қилардимки, она юртимиздан, Андижондаги отабобимиз хилхонасидан икки газгина ер насиб этса эди...»

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофотининг лауреати Муҳаммад Алининг «Абадий соғинчлар» роман-

Юракдаги

унинг номи ёдга олиб турилади.

Яқинда Андижонга борганимда, ўша воқеалар баҳонасида хорижга чиқиб кетганларнинг тақдир билан қизиқдим. Ҳеч кимдан тайинли жавоб ололмадим. Ҳар ким эканини ўради, деб шуни айтсалар керакда.

Захириддин Муҳаммад Бобур буюк империянинг асосчиси, Ҳиндистон мамлакатининг подшоҳи эди. Нечанча ҳукмдорлар, не бир зотлар унинг бир ҳимосига мушток бўлиб турган. Лекин салтанатбардорлик шуқуҳи ҳам, беадад шон-шавкат ҳам ватан соғинчи олдида унинг учун ҳеч нарса бўлиб қолаверган ва бу дардини ўли сатрларга кўчириб, умрининг охиригача улардан таскин излаб ўтган. Мана уллардан бири:

Толъи йўқи, жонимга баолол бўлди,
Хор ишники айладим хатолл бўлди,
Ўз орини қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ераб, нетайини, не ўз қаролл бўлди.
Ёзувчи Хайридин Султононнинг «Бобурийнома» романида Ватан со-

одам йиғилган экан, Қарасак — ҳаммаси ўзимизнинг ўзбеклар, Жиддада, Тоифда, Мадинада, Риёзда истиқомат қиладиган ватандошларимиз, Жамшид ака, Аббосхон ака, Абдулмансур ва ҳоказо юртдошлар билан танишдик. Билсак, буларнинг ойда бир марта «гап»и бор экан, дам-бадам йиғилишиб, суҳбатлашиб туришар экан. Гап-гурунлар ўзимизда қандай бўлса, худди шундай: аския, ҳазил-хузул, лутфу зарофат, иззат-икром. Жиддалиқ Жамшид ака — маърифатли, дунё кўрган, иш кўрган бир киши — ҳаммамизни ўзига мафтун этди. Билимдон, хушчақчақ бу зот Бобур ижодининг самимий бир муҳлиси бўлиб, бу ҳақда берилиб ҳикоя қилар эди. Айниқса, Бобур Мирзонинг ватан соғинчи хусусида изтироб билан сўйлади. Шу тариқа суҳбат Ватан мавзусига, она юрт тақдирига бориб тақалди. «Сизлар, — деди Жамшид ака, — мусофирлик азоби-ни, муҳожирлик машаққатларини

хроникасида ўз даврида мусулмон дунёсининг, демак, жаҳоннинг илмий-диний марказларида беназир қобилияти ва юксак маҳорат билан ёзилган асарлари учун не-не аллома-ю киромларнинг хурматини қозонган бешта буюк ватандошимизнинг ана шу «икки газгина ер» илинжида улғу шон-шараф ва унинг изидан келадиган роҳат-фароғатдан воз кечиб, киндик қони томган она ватанига қайтиб келгани ҳақида кўп мутаассир лавҳалар бор. Булар — Муҳаммад ал-Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Имом ат-Термизий, Қаф-фол аш-Шоийи ва Маҳмуд аз-Заммашарий. Айниқса, фан оламида «Жоруллоҳ» — «Аллоҳнинг қўшнис» номи билан машҳур бўлган Замахшарий бобомизнинг ёғоч оёқда (у кишининг бир оғи жароҳат туфайли кесиб ташланган эди) не бир машаққатлар билан киндик қони томган юрти — Хоразмининг Замахшар қишлоғига қайтиб келгани ватанга

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилоятидаги вакиллиги



Давлатимиз иқтисодий қудратини мустақкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган соҳа ишчи-ҳодимларини, уларнинг оила аъзоларини ҳамда ҳамкор ташкилотларни фасллар келинчаги, баҳорнинг улуг байрами — Наврўз билан чин дилдан қутлайди. Халқимизни саломатлик, бахту саодат, қут-барака ҳеч қачон тарк этмасин!

«ЎЗМЕТМАШСАНОАТ»

тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Соҳа меҳнаткашларини, бунёдкор халқимизни меҳр-оқибат ва гўзаллик байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий табриклайди. Сизларга мустақкам соғлик, оилавий бахт тилаб, мустақил ватанимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги барча эзгу ишларингизда омад ёр бўлишини истаб қолади.

Осмонимиз доимо мусаффо, халқимиз турмуши янада фаровон бўлсин!



муҳаббатнинг гўзал намунаси.

Маҳмуд аз-Замашарий Маккам муқаррамада яшар, шаҳар ҳокими ибн Вахос билан дўст бўлгани учун унга чексиз ҳурмат-эҳтиром кўрсатилар эди. Бирок юрт васли, яқинларининг меҳр-муҳаббати барчасидан устун келади.

Бугун бу улуг зотларнинг мақбаралари обод этилиб, юртдошларимиз ва меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳ бўлиб қолгани яхшиликнинг жавоби яхшилик бўлади, деган ҳадиснинг ҳаётий мисолидир.

Ул улуг зотлар Аллоҳ назари тушган авлиё одамлар бўлишган ва

пиб шухрат чўққисига кўтарилганида унга билим берган, иқтидорини муносиб баҳолаган ота юртга қайтиб келиб қолармиди, деган ўй хаёлидан кечади.

— Сенга гречка, перловка, гуруч, яна мева қоқи ва пул юбораяпман, фалончи олиб боради. Яна юбораман. Фақат сен Парижни забт этсанг бўлгани, ўғлим, — деб сим қоқди бу ёқдан унинг отаси. «Фалончи» бир ҳафтадан кейин гап топиб келди: юксак санъат маконидаги концертлар йилда икки-уч марта ташкил этилар, унгача ҳар хил тадбирлар ва маросимларда мусиқий хизмат кўрсатар

қолаверса, бу ерда турмуш даражасини ким кўтаради?

— Ўзи Олмонияда яшаб, немис тилида ижод қиладиган турк ёзувчиси Ўрхон Помук «Истамбул. Хотиралар шаҳри» асари учун 2006 йили халқаро «Нобел» мукофотини олганида туркий дунё қанчалар қувонган эди. Хорижда ўқийтган, ишлаётган ўзимизнинг ўзбек фарзандлари орасидан ҳам шундай буюк инсонлар етишиб чиқди, албатта. Айтганлар-ку, оқдан дарё оқаверади деб. Бизда эса... «Ўзларингизда газадада ёздиларингиз-ку, ўтган йили илгор геном технологияларини кишлоқ хўжалигига татбиқ қилишдаги ютуқлари учун Ривожланаётган мамлакатлар Фанлар Академиясининг энг нуфузли мукофотиغا сазовор бўлган ёш ўзбек олими Иброҳим Абдурахмонов ҳақида». Абдурахмоновлар Ўзбекистон учун энди ноёб ҳодиса эмас, ахир.

Ҳа-я. УЗФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтини геном технологиялар маркази етакчи илмий ходими, биология фанлари доктори Иброҳим Абдурахмонов каби минглаб иқтидорли ёшларимиз фан-техника соҳасида ажойиб кашфиётлар қилишмоқда. Устуртда, Қашқадарёда янги-янги конларнинг кўзини очилмоқда. Илгор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиб, тараққийтимизни жадаллаштириш ва турмушимизни янада фаровонлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбек оналари бундан кейин ҳам Ал-помилларни, Беруний, Хоразмий, ибн Сино, Жалолиддин Манғуберди, Амир Темури, Мирзо Улугбек ва Навоийларни тугиб, тарбиялаб, вояга етказаврадилар. Салоҳиятли юртдошларимизнинг хорижда яшаб ишлаётганлиги Халқаро меҳнат бозорида ҳам Ўзбекистоннинг нуфузини оширишга хизмат қилиши мумкин. Айни пайтда ортқча ишчи кўчининг экспорти мамлакатимиз валютаси захирасини тўлдиршига ҳисса қўшади. Яна бошқа мулоҳазалар ҳам бор...

Гулистондан Янгиер шаҳри томон чиқаришнингизда шовуллаган ям-яшил ўрмонзор боққа кўзингиз тушади. Бу жой, умуман, Мирзачўлнинг Ян-

гиер-Гулистон шаҳарлари оралиғидаги қоп-қора шўр билан қопланган қисми бир пайтлар совет чўлқуварлари томонидан «ўзлаштириб бўлмайди» ҳулосаси билан ташлаб кетилган эди. Мустақилликдан кейин бир гуруҳ фидойи ёшлар шу қора-қатрон ерларда катта меҳнатлар билан экология боғи ташкил этдилар. Маънавият жаҳасида ҳам қийин ўзлаштирилган қўриқлар бўлиши мумкин. Аммо ўзлаштириб бўлмайдиган қўриқ бўлмайди. Чунки «Ўзга юртнинг боғи билан боққасин ўз юртининг бир ҳасига олмайман», деб қўшиқ қуйлайдиган ўзбекининг лойи бошқача ийланган...

Аэропортда икки ватандошимизнинг қоғоз қутиларини авайлаб машина юкхонасига жойлашайтганини кўриб, бозорингизни берсин, дедим ҳазил аралаш. Улар баравар кулиб юборишди. Билсак, хорижда сармоёси лак-лак бўлиб кетган бир ватандошимиз ўз юртида етиштирилган қўқатлар, Уқоранинг майизи, Бахмалнинг олмаси, ҳатто ўзбекча тутилган мантилари хуш кўрар ва тез-тез қариндошларига буюртма бериб турар экан. Биз борадиган қўналга эгасининг Тошкентнинг тўй патири ва ўзимизда сўйилган қўй гўштидан олиб келишимизни сўрагани ҳам шундан экан-да! Бўлмаса, у ернинг супермаркетлари бутун дунёдан келтирилган сархил мева-чева-лар билан тўлиб-тошган. Бирок, барибир, Ўзбекистонники бошқача. Ўзбекистон бошқача.

Ушбу битикларимизга нуқта қўйётганимизда, мақолаимиз қаҳрамонларидан бири Парижнинг нуфузли санъат мактабида ўқини тугатиб, Тошкентга қайтиб келаятгани, унинг отаси эса шу кунларда ўғлини уйлантириш ташвиши билан юргани ҳақидаги хабарни эшитиб қолдик. Ўзбекистоннинг донини еган булбул қанча жаннатмакон гўша бўлмасин, барибир қайтиб келадилар, деб шунга айтсалар керак-да.

Абдухалиқ АБДУРАЗОҚОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

● Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

Ўтган йилдан эътиборан, Сирдарё вилоятида касб-хунар коллежларини тугатган ёшларга танлов асосида имтиёзли кредитлар берила бошланди.

Ташаббуснинг қаноти бор

«Камолот» ЁИХ вилоят бўлими, вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси ва «Микрокредитбанк» ОАТБ вилоят бўлими ҳамкорликда вилоят танловида ғолиб чиққан 231 нафар битирувчига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратди. Хусусан, Гулистон туманидан 51 нафар йилгит-қуз шундай имтиёзга эга бўлди.

Темурмалик Бийболаев — шулардан бири. У коллежни тасмоллаган, банкдан олган 1 млн. сўм имтиёзли кредитга зотдор кррамоли сотиб олиб, парварийшга зўр берди. Унинг нияти кел-

гусида йирик қорвачилик фермер хўжалигини ташкил этиб, юрт иқтисодиёти ривожига муносиб ҳисса қўлишидир. Гулжархон Умарова эса банкдан олган сармоёси ҳисобидан компьютер хизматини йўлга қўйди.

— Ҳозир ҳаётни компютер-сиз тасаввур этиб бўлмайди, — дейди Гулжархон. — Мақсадим кишлоқимиз ёшларининг компютер саводхонлигини ошириш ҳамда уларни даври-мизнинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор этишдир.

Анорбой НОРКУЛОВ,
«IsHonch»нинг жамоатчи муҳбири

Хукуқшунослар ўқуви

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси органларининг 7 нафар юридик хизмати ходими Адлия вазирлиги хузуридаги юристлар малакасини ошириш ўқув марказида малака оширишди.

Ўқув давомида касаба уюшмалари хукуқшунослари юридик хизматининг ҳолати, уларга адлия органлари томонидан раҳбарлик қилиш, фуқаролик, хўжалик, меҳнат қўриқчилигидаги янгиликлар билан атрофлича танишдилар, суд органларидаги ишхўрлар, суд процесслари ҳақидаги билимларини мустақамладилар.

Икки ҳафта давом этган машгулотлардан сўнг марказ маъмурияти томонидан тингловчиларга сертификат топширилди.

А.ГАЙНАЗАРОВ,
Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши юридик бўлими мудир

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган «FORT-UMID» нодавлат таълим муассасасининг ташкилий ҳукуқий шакли «FORT-UMID» хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилди.

Яққасарой туманида рўйхатга олинган «GO'ZAL-CHINOR» хусусий фирмасининг ҳукуқий мақоми масъулияти чекланган жамиятга ўзгартирилди. Маълумот учун тел: 751-26-78

Ватан

ўзлари тугилиб ўсган юртдагина чинаккам қадр топишларини яхши билганлар. Айни пайтда уларнинг сўнгги маконлари — хилхоналаридан таралган зиё илму иймон аҳлини мудом чорлаб туришини ва бундан шу юрт эгалари кўп савобдор бўлишини тегаран тушунганлар. Шарқий-Жанубий Осиё мусулмонлари ҳаж амалини адо этганларидан кейин, аввалгидек Оврўпа давлатларига сайхат қилиш ўрнига эндиликда Муҳаммад ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилишни маъқул қўришаётгани, бошқа аллома болболаримиз хилхоналари ҳам юртимиз меҳмонлари билан доим гавжумлиги фикримизнинг далили бўлади.

Шонли тарихимиздан олинган ушбу лавҳаларни тақрирлаётганимиз, ёзганларимизни шу кунларда дунё мусиқа санъати марказларидан бири ҳисобланмиш Парижни эгаллашган деб мусофирчиликнинг барча машаққатларига чидаб юрган санъаткор укамиз ҳам ўқиса, бир кун бахти чо-

экан. Бола пақир жуда қийналган, лекин руҳи тетик.

Уша кунларда хориж матбуотида ўзбек мумтоз кўшиқлари ижросини Муножот Йўлчиевнинг Парижнинг энг нуфузли санъат саройида ўтган концерти француз мусиқа ихлосмандларини томонидан илиқ қутиб олингани ҳақида хабар тарқалди. Мусофирчиликда қуруқ «паёқ» еб қийналиб юрмасдан, Тошкентда яшаб ҳам Париж-ни эгалласа бўлар экан-ку!

— Ийк, барибир у ёқда яшаш бошқача... яхши-да! — деб ўзининг ўғли ҳам оиласи билан Оврўпа мамлакатларидан бирида яшаётгани ҳақида гурунг берди депутат оламиз.

— Уч-тўрт йил ишлаганларидан кейин қайтиб келиб қолар?

Секин бош ирғаб: — У ерда турмуш даражаси баланд, — деб қўйдилар.

— Ўзбекистоннинг пулига ўқишган, олим бўлишганлар қўлидан иш келиб қолганда «турмуш даражаси баланд» жойларга кетиб

«Шўртан»нинг йирик ғалабаси

Осиё футбол конфедерацияси кубоги учун давом этаётган баҳсларда илк бор қатнашаётган Фузорнинг «Шўртан» жамоаси дастлабки ғалабасини нишонлади.

«В» гуруҳидан жой олган фузорлик футболчилар иккинчи турда Яман чемпиони — «Ас-Сақр»ни 7:2 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Ваҳоланки, биринчи бўлимда намоиш этилган ўйин бундай натижадан анча йироқ эди. Ўз уйида тўп сурган «Шўртан» вакиллари илк голини 42-дақиқада нишонлашди. Унга Вадим Афонин муаллифлик қилди.

Ўйиннинг иккинчи бўлимида Вадим Афонин яна битта, Шаҳбоз Эркинов иккита, Предраг Вуйович, Игорь Таран ва Лазиз Убайдуллаев биттадан гол уриб, жамоасининг йирик ҳисобдаги ғалабасини таъминлади.

Эслаб ўтамиз, «Шўртан» учинчи тур учрашувини 13 апрел кuni ўз майдонида ОФК кубоги мусобақасининг амалдаги соҳиби — Суриянинг «Ал-Иттиҳод» жамоаси билан ўтказди.



Учрашувнинг 13-дақиқасига келиб «Насаф» олдинга чиқиб олди — 0:1.

Иккинчи бўлимда ташаббусни ўз қўлига олган мезбонлар Зухуровни ўз дарвозасидан тўп олиб чиқишга мажбур қилишди — 1:1.

Шундан кейин конголик легионер Руфин Мотшумба ўзини кўрсатди. Марказий ҳимоячиларимизнинг кўпол хатосидан кейин у жамоасини олдинга олиб чиқди — 2:1.

Қаршиликлар омадни рақиб дарвозаси олдида излаб, унга эришди ҳам. 65-

«Ат-Тилол»-«Насаф» — 2-3:

Футбол

ОФК кубогининг иккинчи турида «Насаф» Яманда мамлакат чемпиони пешқадами «Ат-Тилол» жамоаси меҳмони бўлди.

дақиқада тўп бурчакдан ўйинга киритилгач, унга биринчи бўлиб эгалик қилган «Насаф» марказий ҳимоячиси Мақсуд Каримов жарима майдонига кириб борди ва икки ҳимоячи таъқибига қарамай тўпни узок бурчакка йўллаб, мувозанатни тиклади — 2:2.

Қаршиликлар учрашувдаги учинчи голни пеналтидан киритишди. Жарима майдони ичига катта тезликда кириб бораётган Артур Геворкяни ҳимоячилар кўполлик билан тўхтатиб қолишга мажбур бўлишди. Ҳакам ҳеч иккиланмай 11-метрлик жарима тўпи белгилади. Жабрланувчи томонидан бажарилган зарбани

«Ат-Тилол» посбони қайтаришга эришди. Амма тўпга биринчи бўлиб етиб келган «Насаф»нинг туркманистонлик легионери боши билан яна тўпни дарвозага йўналтирди — 2:3.

Шунингдек, мамлакатимизнинг икки жамоаси «Пахтакор» ва «Бунёдкор» ҳам кеча ОЧЛ мусобақалари доирасида иккинчи тур ўйинларини ўтказишди. Меҳмонда тўп сурган «Пахтакор» Қатар супер лигаси вакили «Ал-Садд» га қарши майдонга тушган бўлса, Миржалол Қосимов шоғирдлари «Ал-Иттиҳод»ни қабул қилишди.

Нарзулла МАХАМОВ

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси
Бухоро вилоят кенгаши

Эл саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатаётган соҳа ходимларини, юртдошларимизни гўзаллик ва нафосат айёми—

Наврўзи олам

билан самимий кутлайди.
Барча юртдошларимизга мустаҳкам соғлиқ, ишларида муваффақият, оилавий тотувлик, бахту иқбол ҳамиша ёр бўлишини тилаб қолади.

«GISSARNEFTGAZ»
мчж қўшма корхонаси маъмурияти ва касабаси уюшмаси кўмитаси

Барча ҳамюртларимизни янгилик ва яшариш байрами— Наврўзи олам билан муборакбод этади!

Хонадонларингизга тинчлик ва файзу барақа тилайди. Қалбларни баҳор таровати асло тарқ этмасин!

Санъат саодати мидир

Шаҳар истироҳат боғи томондан қарноқ чилдирмалар садоси чор тарафга таралаётган. Афтидан Наврўз шодийналари бошлаб юборилганга ўхшайди. Дурқун-дурқун йигит-қизлар, шар тутган болаларини етаклаб олган ота-оналар ўша томонга ошиқади.

Соз торида кўрдим баҳорни

Ана, ёзги томошагоҳ саҳнида дилбар тарона ижро этиляпти. Қўлларидан қийғос навадагуллар тутган қизлар даврали тўлдириб рақсга тушди. Қарсақлар остида қўлларидан дутор тутган бир гуруҳ қизлар саҳнага кириб келишди. Ўрнашиб олгач, атласдек товланиб, бармоқларини торлар устида майин ўйната бошлади...

Нарпай туманидаги 13-болалар мусиқа ва санъат мактаби қошида қатор йиллардан буён фаолият юритиб келаётган «Соз сеҳри» дуторчи қизлар бадийи жамоасининг ҳар бир чиқишида чиндан ҳам бетакорор жозиба ва дилбарлик сезилиб туради.

— 1979 йил ҳаётимда унутилмас воқеа юз берди, — дея ўтмишни эслайди халқ маорифи аълочиси, «Соз сеҳри» дуторчи қизлар бадийи жамоаси раҳбари Ҳалимаҳон Бобоназарова. — Тошкент Давлат Маданият институтида таҳсил олиб юрган кезларимда газетдаги бир эълонга қўзим тушиб қолди. Унда Ўзбекистон телерадиокомпанияси қошида ташкил этилаётган «Дуторчи қизлар» дастасига танлов давом этаётгани хабар қилинганди. Иккиланиб радио уйи остонасига бордим. Соҳларига оқ оралаган, истараси иссиқ киши мени қарши олди. Кейин билсам, менга омадимни синаб кўриш учун имкон берган ўша одам элимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Фанижон Тошматов экан.

Ўша даргоҳда хониш ва соз сирларини кунт билан ўргандим. Кейин Элмурод ака билан тўймиз бўлгач, тақдир бу томонларга бошлаб келди. Ўтган ҳаётимдан, изланишларим самарасидан бахтиёрман. Қалбим кўрини дастамиз истиқболга бағишлаш баробарида, таълим муассасасининг аънавий хонандалик ва созандалик бўлимига ҳам мудирлик қўлланман. Ҳузуримга орзуманд ота-оналар ниҳол каби ёш фарзандларини етаклаб келса, ўзимнинг болалигим ёдимга тушади.

Йигирмадан ортик сара репертуарларга Ватан, ёшлик, меҳнат завқу таровати, баҳор ранго-ранглиги йўрилган. Турли кўрик-танловлар, катта-кичик тадбирларда «Соз сеҳри» мавқени баланд тутиб келмоқда. Жонқуяр устоз Ҳалимаҳон Бобоназарова эса «Меҳнат шухрати» орденига сазовор бўлган.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» муҳбири

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси муҳбир Аҳмад Арслоновга падари бузруквор

Бозор АРСЛОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Insonga naf keltirish
KASABA UYUSHMALARI FEDERATSİYASI
OLIJ BAXT

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'loqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99891 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:
133

Navbatchi muharrir:
T.Shermayev

Navbatchi:
A. Abdullayev

Musahhih:
S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullallov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yuzga olingan. Gazeta o'zbek usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatish shart. Mualliflar fikr bahiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

© - Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 23.00

Buyurtma № — 351
21955 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
1 2 3 4

«Турон» санаторийси
ОАЖ жамоаси

Меҳнаткаш халқимизни кўнчилиқка ўзгача сурурла кириб келаятган Наврўзи олам билан гин дилдан муборакбод этади. Ҳар бирингизнинг хонадонингизга файзу барақа, тинчлик-хотиржамлик тилайди. Дилингни Ватанга бўлган чексиз муҳаббат, ифтихор ва масъулият ҳислари асло тарқ этмасин! Наврўз баргамизга қувонч ва зғиқлик олиб келсин!